



Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

29

(774)-son

20-iyul

www.xabar.uz

xabar@uzpak.uz

orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

• Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК! •

Италиялик Роберто Бернокко уяли телефон ёрдамида ёзилган жаҳондаги биринчи китобни чоп этди. Илмий фантастика жанрида ёзилган роман Compagni di Viaggio ("Йўлдошлар") деб номланган. Бернокко фақат йўлда – электропоездда ишга ва уйга кетаётганида асарни ёзишга вақт топарди. Бунда эса Т9 матн тизимига эга Nokia 6630 телефони яхши иш берди. Эътиборга лойиқ жиҳатлардан бири сифатида Бернокконинг қисқартма сўзлар ва жаргон иборалардан фойдаланмаганлигини кўрсатиш мумкин – асар жуда чиройли италян тилида ёзилган. Телефонда сақланган боблар кейинчалик муаллиф томонидан компютерга туширилиб, таҳрир қилинарди. Ниҳоят, ўн етти ҳафталик изчил ижод ўз мевасини берди ва 384 саҳифалик китоб дунё юзини кўрди.



Ушбу сонда:

**СЕЛЕКТОР
ЙИФИЛИШИДА**

2-БЕТ ➔

**НУРЛИ
МАНЗИЛЛАР
САРИ**

5-БЕТ ➔

**НОВОСТИ В
СФЕРЕ ИКТ**

6-БЕТ ➔

**МОБИЛ
КАРНАВАЛИ**

11-БЕТ ➔

**ОИЛА
САРБОНИ**

16-БЕТ ➔

Web-пуллар ҳақида биласизми?

Интернет тармоғи тобора ривожланиб жамиятимизнинг барча соҳаларига чуқурроқ кириб бормоқда. «Электрон ҳукумат», «Интернет-ОАВ», «Электрон тижорат», «On-line бизнес» каби тушунчалар ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётгани айти ҳақиқат.

Ҳозирги кунда бутун дунёдаги савдонинг ярмидан кўпроғи айнан интернет тармоғи орқали амалга ошади. Бу борада электрон тўлов тизимларининг ўрни бекиёсдир. Улар ичида энг кенг тарқалгани Webmoney Transfer ҳисоб тизими ҳисобланади. Ушбу тизимнинг Ўзбекистон сегментида ҳам очилиши айти муддао бўлди.

3-БЕТ ➔



UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Sarkor Telecom

Internet service provider

— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN — JUMAGACHA

SELEKTOR YIG'ILISHIDA

✓ Мамлакатимиз галлакорлари 6 миллион 250 минг тоннадан ортиқ сара дон етиштириб, бу борадаги йиллик шартнома мажбуриятини ортиги билан бажардилар. Шу муносабат билан матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг галлакорларга йўлаган табрик хати чоп этилди.

✓ Республика ҳукуматининг 2007 йил 18 июлда бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг I ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари қуриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди. Кун тартибдаги масалаларни муҳокама қилиш якуналари бўйича республика ҳукумати мажлисида қарор қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларни сўзсиз амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

✓ Матбуотда "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёниларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори чоп этилди.

✓ Тошкентда миллий қонунчиликни "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги қонунга мувофиқлаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. У парламент Омбудсмани томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.


✓ Матбуотда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 222—II-сонли Қарорининг I-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди.

✓ Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 18 июл кuni Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Афғонистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислам Республикаси савдо ва саноат вазири Мир Амин Муҳаммад Фарҳанг раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегацияси иштирок этди.

✓ Франция пойтахтида Абу Али Ибн Сино меросига бағишланган "X-XX асрлар Фарб санъатида Ибн Сино тисоли" мавзuidaги илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман ушбу мамлакатнинг "Авиценна-Франс" уюшмаси томонидан Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

ТАЙИНЛАШ

Сувон Ўринович НАЖБИДДИНОВ "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси Кузатув Кенгашининг 2007 йил 5 июлдаги йиғилишида "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг бош директори этиб тайинланди.



Сифат — доимий талаб

Жорий йилнинг 12 июл кuni Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида «Телекоммуникация тармоғи иш сифатининг 2007 йил 6 ойлик якуналари» бўйича навбатдаги селектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров олиб борди.

Кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика марказининг директори Х.Холмухамедов, «Ўзбектелеком» АК бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нурматов, «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали директорининг биринчи ўринбосари Ш.Каримов, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази техник директори Б. Абидов ва Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи ўринбосари А.Фафуровлар маъруза қилдилар.

Маърузачилар билрамчи ва иккиламчи телекоммуникация, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини тарқатиш тармоқларида 2007 йилнинг 6 ойлик иш якуналари тўғрисидаги ахборотларида сифат кўрсаткичларининг бажарилишига алоҳида тўхталиб, жойлардан мутасадди ходимлар томонидан кўрсатилётган хизматлар сифатига етарли даражада эътибор

қаратилмай келинаётганлигини қайд этиб ўтдилар. Хусусан, «Ўзбектелеком» АК «Қорақалпоқ Телеком», «Бухоро Телеком», «Қашқадарё Телеком», «Навоий Телеком», «Сирдарё Телеком», «Тошкент шаҳар телефон тармоғи», «Тошкент Телеком» ва «ЎЗИ-Жиззах» филиалларида хавфли кесимчаларни бартараф этиш ишлари сустр олиб борилганлиги ҳамда «Қорақалпоқ Телеком», «Жиззах Телеком», «Сирдарё Телеком», «Тошкент Телеком», «Фарғона Телеком», «ТШТТ» филиалларида кабелларнинг доимий ҳаво босими остига олиниши етарли даражада таъминланмаганлиги натижасида иш сифати пасайишига йўл қўйилган.

Йиғилишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров иш сифатини ошириш, хавфли кесимчаларни бартараф этиш, кабелларни доимий ҳаво босими остига қўйиш,

алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар ҳамда давлат ва идоравий статистик ҳисоботларнинг тақдим этилиши ва ҳаққонийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан йиғилиш қарор қабул қилиб, «Ўзбектелеком» АК, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази ҳудудий бошқармаларига жорий йилнинг 6 ойи давомида сифат кўрсаткичларининг пасайишига, шунингдек ўз ишида камчиликларга йўл қўйган маъсул раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўрилиши ҳақида тегишли кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда барча масалалар бўйича маълумотлар тақдим этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ва уларнинг ижросини доимий назоратга олиш белгиланди.

Ўз мухбиримиз

SEMINAR

Қарши шаҳридаги Сайидо Насифий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида ижро интизомига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят алоқа корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари, бўлим бошлиқлари иштирок этишди.



Йиғилишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош юридик маслаҳатчиси Бердӣёр Жабборов Ўзбекистон Республикаси Қонунари, Президентимиз фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва фармойишларининг бажарилиши ҳамда соҳа корхона ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш бораси-

Ижро интизомига бағишланди

даги соҳанинг вазифалари ва Агентликнинг тегишли ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари ижросини таъминлаш чоралари тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи, шунингдек, айрим хато-камчиликлар, нуқсонлар ва иш юритишда йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ҳам гапирди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўлими бошлиғи Тожимурод Ҳужакулов соҳа корхоналарида кадрлар ҳужжатларини расмийлаштириш ва юритишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, шахсий таркиб бўйича буйруқларни расмийлаштириш тартиби, меҳнат ва ижро интизомига риоя этиш чоралари ҳақида маъруза қилди.

«Ўзбектелеком» АК ишлар бошқармаси бош мутахассиси Нуриддин Ибрагимов ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича чоралар, иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича ҳужжатшунослиги, унинг тартиби ва самарадорлигини ошириш йўл-йўриқлари, шунингдек, корхонада девонхона ишини ташкил этиш ва юритиш бўйича тажриба алмашиш масалалари ҳус-

сида сўз юритди. Семинарда қатнашган қашқадарёлик алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

YANGILIK

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Webmoney Transfer Uzbekistan (www.webmoney.uz) ҳисоб тизими реал вақт шароитида Webmoney (WM) титул бирликлариди ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини яратди. Титул бирликларининг ҳаракати мижоз томонидан WM Кеепер дастури ёрдамида амалга оширилади.

Дастур бир неча турдаги турли активлар билан таъминланган ва тегишли ҳамёнларда сақланадиган қуйидаги титул бирликларининг ҳаракатини таъминлайди:

WMR — Россия рублининг R-ҳамёнлардаги эквиваленти,
WME — Евронинг E-ҳамёнлардаги эквиваленти,

WMZ — AQSH долларининг Z-ҳамёнлардаги эквиваленти,

WMY — Ўзбек сўмининг Y-ҳамёнлардаги эквиваленти,
WM-C ва WM-D WMZнинг C ва D-ҳамёнлардаги кредит амалиётлари учун эквиваленти.

Маблағларни ўтказишда бир турдаги ҳамёнлардан, турли хилдаги титул бирликларини айрибошлаш учун эса айрибошлаш шаҳобчаларидан фойдаланилади.

Webmoney Transfer тизими орқали сиз:

- интернет-дўконлари орқали товарларни харид қилиш;
- уяли алоқа, интернет, IP-телефония, обуна ва чипталар учун тўловларни амалга ошириш;
- бошқа интернет фойдаланувчиларидан сиз таклиф қилаётган товар ва хизматлар учун тўловларни қабул қилиш;
- автомат тартибда сайтларда реклама ўринларини харид қилиш ва сотиш;

- маблағларингизни уяли телефон орқали бошқариш, яъни ўтказмаларни қабул қилиш, харидлар қилиш, телефон операторлари билан ҳисоб-китобларни реал вақт тартибда амалга ошириш;

- иккала томоннинг мажбуриятлари бажарилиши кафолатланган ҳолда


мулоқот, ҳимояланган почта воситалари орқали конфеденциал равишда маълумотлар алмашиш;

- муомалага сизга тегишли бўлган активлар — мол-мулк, пул, қарз мажбуриятлари билан таъминланган ўз шахсий ҳисоб-китоб воситаларингизни чиқариш;

ни ишлатиш, бюджетлаштиришнинг алгоритмларини белгилаш, маблағ ва мулккий ҳуқуқларнинг тақсимланшини назорат қилиш;

- Webmoney Transferнинг ҳамкорлик дастурларида иштирок этиб ҳақ олиш имкониятларига эга бўласиз.
Шу йўл билан Webmoney Transfer

Web-пуллар ҳақида биласизми?



интернет тизимида хавфсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш шароити таъминлайди ва тизимдаги турли хилдаги тадбиркорлик фаолиятига қўмаклашади.

Webmoney Transfer тизимининг фойдаланувчиси бўлиш учун сиз ўз компютерингизга мижозлик дастурини ўрнатишингиз ва дастур интерфейси орқали тизимда рўйхатдан ўтишингизнинг ўзи кифоя. Рўйхатдан ўтиш вақтида тизим битимига имзо чекишингиз, ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни кўрсатишингиз керак бўлади. Шундан сўнг сизга фойдаланувчи идентификатори — WM-идентификатор топширилади. Сиз учун, шунингдек, турли хилдаги WM-ҳамёнлар очилади. Ўз ҳамкорларингизга ўзингизнинг WM-ҳамёнларингиз рақамини маълум қилиб, улардан WM (Web-пуллар)ни олишингиз мумкин бўлади. Шунингдек, сиз WM-ҳамёнларингиздаги пуллари банкдаги ўз ҳисоб рақамингизга ўтказиб, ундан шахсий мақсадларингизда фойдаланишингиз ва нақд пул олишингиз мумкин.

савдо-сотиқ битимларини тузиш, қўшма молиялаш, хизматлар кўрсатиш;

- компютерингиздан узоқлашмаган ҳолда маблағларни бизнесга инвестиция қилиш, кредит олиш;

- ноқонуний кўчирма қилишдан ҳимояланган шаклдаги дастурий маҳсулотлар ва электрон китобларни тарқатиш;

- фойдаланувчиларнинг чекланган гуруҳи доирасида бюджетнинг жамоавий бошқарув механизмлари-

Шарофиддин РАХИМОВ

ALOQA KORXONALARIDA

Яқинда «ALQALQYINA» MChJ жамоасининг умумий йиғилиши бўлиб, унда жамиятнинг 2007 йил биринчи ярим йилликдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва келажақдаги режалари кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан масъулият чекланган жамият бош муҳандиси Султонмурод Абдуллаев маъруза қилди.

Маърузада таъкидланишича, ҳисобот даврида жами 93та шартнома асосида лойиҳа-смета ишлари амалга оширилиб, маҳсулотларни сотишдан соф тушум 363,8 миллион сўмни ташкил этган ва 100,3 млн. сўм соф фойда олинган.

Бажарилган иш ҳажмининг 51,4 фоизи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасаруфидидаги корхоналарга кўрсатилган хизматлардир. Жумладан, «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг буюртмасига асосан Қарши-Термиз шаҳарлари оралиғида магистрал ҳамда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари зона ичи оптик-тонали алоқа линияларини қуриш, «Ўзбектелеком Мобайл» филиали буюртмаси асосида республикамизнинг 9та вилоятда аҳолига CDMA стандартига асосланган мобил алоқаси хизматларини кўрсатиш ва шу каби бир қатор лойиҳа-смета ҳужжатлари устида иш олиб борилди. Бундан ташқари «COSCOM» ва «UNITEL» каби мобил алоқа хизматлари кўрсатувчи ҳамда «BUZTON» корхоналари алоқа тизимларини кенгайтириш бўйича

Сарҳисоб

ҳамкорлик қилинди.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш жараёнида жамиятнинг етук ва тажрибали мутахассислари қаторида Тошкент ахборот технологиялари ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлари ва Ўзбекистон темир йўллар транспорти муҳандислари ҳамда Архитектура-қурилиш институтларини тамомлаган 18 нафардан зиёд ёш мутахассис фаолият юритмоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурининг бажарилиши ҳамда янги техника ва технологияларни жорий этиш мақсадида ўтган давр мобайнида 21 нафар мутахассис «AutoCAD 2006» дастури бўйича ўз малакаларини оширди. Иш ўринлари 23та компютер ва 8 донна нуска кўпайтирувчи техника билан жиҳозланди. Ишлаб чиқаришдаги барча компютерларга зарурий дастурлар ўрнатилиб, маҳсулотнинг 70

фоиздан зиёди шу дастурлар асосида бажарилди.

Жамиятда амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш таъминлаш мақсадида ҳамда тасдиқланган режа асосида Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан ишлаб чиқарилган 1,064 млн. сўмлик меъёрий ҳужжатлар харид қилинди ва тегишли буйруқлар билан амалга кiritилди.

Йиғилишда «ALQALQYINA» MChJ бошлиғи Абдулла Гаюпов ва бошқа сўзга чиққанлар жамият фаолиятида айрим сусткашликларга йўл қўйилаётганлигини танқидий баҳолаб, ёш мутахассислар малакасини ва билим савиясини мунтазам ошириб бориш мақсадида бир қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

Мажлис сўнгидида келгуси режалар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, келгусида ишлаб чиқариш жараёнига янги техника ва технологияларни жорий этиш, ёш мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурининг бажарилиши бўйича ишлар давом эттирилади. Шунингдек, мазкур жамият ходимлари МДХ давлатлари лойиҳалаш корхоналари ҳамда «Ўзбектелеком» АК қошида фаолият юритаётган «Инженер-техник маркази»да малакаларини оширишади.

Талат ДАДАНОВ,
«ALQALQYINA» MChJ
техник бўлими бошлиғи



Илк қалдирғочлар

Мана орзиқиб қутилган дамлар етиб келди. ТАТУ Урганч филиалининг 8 нафар магистранти ўқиниш муваффақиятли якунлаб, ўзлари севган мутахассисликни эгаллаганча мустақил ҳаётга қадам қўйишди. Битирувчи ёшларнинг юзлари қувончдан порламоқда, давлат ва халқ раънақи учун дилдан хизмат қилишни кўнгилларига туғишган. Лекин уларнинг кўзларида мунгли нигоҳ ҳам гоҳо сезилиб туради. Чунки шунча йилдан буён қадрдон бўлиб қолган ўқув юртини ва устозларини соғиниб қолишлари аниқ.

ТАТУ Урганч филиалида «Бошқариш ва ахборотни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари» мутахассислиги бўйича илк битирувчиларга диплом топшириш тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Фарҳод Янгибоев, «Хоразм Телеком» филиали директори Ортиқбой Оллабергенов, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали директори Некқадим Нуралиев ва магистрант битирувчиларнинг ота-оналари, филиал талабалари, бошқа меҳмонлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар илк қалдирғочларга қанотларини кенг ёзиб орзулар осмонда баланд парвоз қилишини тиладилар.

Шаҳзода ҚОДИРОВА,
ТАТУ Урганч филиали 1-босқич талабаси
Суратда: ТАТУ Урганч филиали магистрантлари ва меҳмонлар.

УЧИНЧИ БОР ҚОНУН КАБУЛ ҚИЛИНДИ

Америка ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқиб кетиш юзасидан тортитувлар ҳамон давом этмокда. АҚШ Конгрессининг Куйи палатаси мамлакат ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди. Унда таъкидланишича, Пен-тагон яқин тўрт ой мобайнида ҳарбийларни ўз уйлари-га қайтаришни бошлаши зарур. Президент Жорж Буш эса бундай қарорга тиш-тирноғи билан қарши чиқиб, бу борадаги ҳар қандай ҳужжатга вето қўйишни билдирди. Шуниси ажабланарлики, бу борадаги қонун Куйи палата томонидан учинчи бор қабул қилинди. Дастлабки Сенат томонидан тасдиқланмаган бўлса, иккинчисига Жорж Буш вето қўллаган эди.



КАТТА МИҚДОРДАГИ ЎҒРИЛИК

"Рейтер" ахборот агентлигининг хабарига кўра Багдоддаги "Dar Es Salaam" банкидан 300 миллион долларга яқин маблағ ўғирлаб кетилган. Ҳозирда банкнинг уч нафар кўриқчиси мазкур ўғриликда гумон қилинмокда. Сабаби, воқеа содир этилган кечада айнан улар навбатчилик қилишган ва пул билан ғойиб бўлишган. Айни пайтда тергов органлари масалага оидлик киритиш мақсадида суриштирув ишларини олиб бораётир.



ТУРКМАНИСТОН РАҲБАРИНИНГ ҚАРОРИ

"Интерфакс" ААнинг хабар беришича Туркменистон президенти Гурбангули Бердимухаммедов чегара яқинидаги туманларга махсус рухсатнома билан кириш тартибини бекор қилиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди.




Маълумки, шу пайтгача чегарага яқин ҳудудларга фақат махсус рухсатномаси бор одамларгина бора олишарди. Эндиликда ҳар бир туркман фуқароси мамлакатнинг исталган ерига бориш ҳуқуқига эга бўлди.

Миллий хавфсизлик вазирлиги ходимларига, ички ишлар органларига ва чегарачиларга чегара яқинидаги аҳоли манзилларида жамоат тартибини сақлаш мажбурияти юклатилди.

ЖОСУС ОЛМАХОНЛАР

Жониворлардан жосуслик йўлида фойдаланувчиларнинг навбатдаги ҳаракати фош этилди. Гап шундаки, Эрон полицияси бир гуруҳ жосусларни қўлга олди. Жосуслар эса одамлар эмас, олмахонлар бўлиб чиқди.

Маҳаллий матбуот маълумотларига кўра, қўлга олинган 14та ўрмон олмахонларига махсус жосуслик қурилмалари — митти кузатув камераси, эшитиш ва манзилни аниқлаб берувчи мосламалар ўрнатилган экан. Мутахассисларнинг аниқлашларича, айғоқчи олмахонлар бегона минтақадан келишган экан. Улар мамлакатнинг муҳим стратегик иншоотлари ёнида юрганида қўлга олинган.



«Хабар» газетасининг 2007 йил 6 июлдаги 27-сонида «KAVLAT ALKQA INSPEKSIYASIK» руқни остида «Меъёрий ҳужжатлар: уларга риоя ва амал қилиш зарур» сарлавҳали мақола чоп этилиб, унда «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг Қашқадарё филиали фаолиятига доир камчиликлар баён этилган эди. Яқинда мазкур мақола юзасидан жавоб хати келди ва уни газетамизда чоп этишни лозим топдик.

ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

Мақола Қашқадарё филиали раҳбарияти томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг Қашқадарё филиали тизимида 285та почта алоқаси бўлими мавжуд бўлиб, шундан 2006 йил 1 январ ҳолатига шакл-18 алоқа (корхона) йиллик статистик ҳисоботи бўйича телефонлаштирилмаган почта алоқаси бўлимларининг сони 102тани ташкил этган.

Ўтган 2006 йил давомида эса 35та почта алоқаси бўлими телефонлаштирилган бўлса, шу давр ичида 25та почта алоқаси бўлимидаги мавжуд телефон алоқаси тармоқ (линия, станция)лари ишдан чиққанлиги сабабли телефон алоқаси тўхтаган (102-35+25= 92).

Ушбу 92та телефонлаштирилмаган почта алоқаси бўлими филиалнинг 2006 йил учун тузилган шакл-18 алоқа (корхона) статистик ҳисоботида қайд этилган.

Бугунги кунда жами 92та почта алоқаси бўлимларида телефон нўталари мавжуд эмас. Бу борада «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг Қашқадарё филиали қолган алоқа бўлимларини телефонлаштириш масаласида ҳамкорликда иш олиб бориб, «Ўзбектелеком»АКнинг «Қашқадарё Телеком» филиали, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ва Қашқадарё вилояти Давлат алоқа инспекциясига 2007 йил 5 мартдаги №37-28-15/317 ва 2007 йил 19 апрелдаги №37-28-15/549 рақамли хатлари билан мазкур масала юзасидан амалий ёрдам сўраб мурожаат этди.

Ушбу мурожаат бўйича 2007 йил 1 июл ҳолатига почта алоқаси бўлимларини телефонлаштириш ишларида ижобий ўзгаришларга эришилмади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали раҳбарияти томонидан Косон ва Муборак почта алоқаси тармоқларининг бош хазиналарида тўсатдан текширув ўтказилганида камомад ёки ортиқча пул маблағларининг мавжудлиги қайд этилмаган. Фақат хазина қолдиги тўғрисида ҳисоб бўлими томонидан берилган маълумотномада чалқашликларга йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 июнда 1256-1 рақами билан Давлат рўйхатидан ўтказилган «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»га киритилмаган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида филиалга қарашли Бешкент ва Муборак почта алоқаси тармоқларининг раҳбариятига тегишли кўрсатма берилди, шунингдек Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси ва 13та почта алоқаси тармоғининг марказий заллари ҳамда 285та почта алоқаси бўлимининг хизмат кўрсатиш жойларини «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»нинг 6-банди талаблари асосида тўлиқ маълумотлар билан таъминлаш чоралари кўрилмокда.

Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси томонидан 2007 йил январ ва феврал ойларида, алоқа бўлимларига мадад пулларини чиқаришда қонунбузилиш ҳолатлари ўрганиб чиқилганда, асосан банк муассасалари томонидан пенсия тўлови учун тўлов ойнанинг охири кунлари бир йўла катта миқдорда пул маблағлари берилиши сабабли йўлга қўйилганлиги қайд этилди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Қашқадарё филиалига қарашли почта алоқаси объектларидаги мавжуд носоз 33та механик ва 2та электрон тарозини тузатиш ҳамда яроқсизларини рўйхатдан чиқариш бўйича тегишли ташкилот билан 2007 йил охиригача тегишли ишларни амалга ошириш чоралари белгиланди.

Қарши почта ишлаб чиқариш участкасига қарашли Қарши-6 почта алоқаси бўлимида 2006 йил II чораги давомида бир ҳолатда ўзлаштириш содир этилган бўлиб, бу ҳақда участка бошлигининг собиқ ўринбосари У.Холмўминнинг айби билан раҳбариятга хабар берилмаган ҳамда шакл-15 ҳисоботида киритилмаган. Аниқликлар киритилгандан сўнг мазкур ҳолат 2007 йил II чораги учун тузилган шакл-15 ҳисоботида киритилди. Шунингдек, шакл-15

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Қашқадарё филиали томонидан текширув жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган 26 банддан иборат тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жойларга қўлланма ва ижро учун юбюрилди.

ҳисоботини ҳар чоракнинг якуний санаси билан тақдим этиш тартиби йўлга қўйилди.

Мазкур участка биносида жойлашган интернет-кафе бўйича фуқаро Ж.Амиров билан тузилган шартнома жорий йил май ойидан бекор қилиниб, барча ҳужжатлар қайта расмийлаштирилди ва Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси ихтиёрига ўтказилди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Қашқадарё филиали томонидан почта алоқаси объектларини иш қоғоз (бланка)лари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг 2006 йил 23 июндаги 21-Ф сон Фармойишига асосан буюртмалар тайёрланиб, филиалнинг 2006 йил 11 июндаги №37-28-05/729 рақамли кузатув хати билан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга тақдим этилган.

Мазкур иш қоғозлари(бланка)нинг марказлашган таъминотида бир оз кечикишлар бўлсада, унинг олдини олиш чоралари кўрилмокда. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Қашқадарё филиалига қарашли Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси ҳамда 13та почта алоқаси тармоғи томонидан коммунал тўловлар учун қабул қилинган пул маблағларининг тегишли корхоналарнинг ҳисоб-рақамига кўчирилишини қатъий бирламчи ҳужжатлар асосида амалга оширилиши устидан назорат қилиб бориш масъулияти филиал бош ҳисобчиси С.Тошмуродов зиммасига юклатилди.

Мазкур мақолада кейд этиб ўтилган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг назорат қилувчи органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2006 йил 29 декабрдаги 4/1-Г сон Қарори билан тасдиқланган режа-жадвалига асосан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиалида 2007 йил 2-13 апрел кунлари Давлат алоқа инспекцияси томонидан ўтказилган текширув жараёнида аниқланган.

Ўз навбатида, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Қашқадарё филиали томонидан ушбу текширув жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган 26 банддан иборат тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жойларга қўлланма ва ижро учун юбюрилди.

Шунингдек, вазифасига эътиборсизлик қилиб, меъёрий ҳужжатлар талабларининг бузилишига йўл қўйган раҳбар ва масъул ишчи, ходимларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда интизомий чоралар белгиланди.

С.ҲАФИЗОВ,
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
Қашқадарё филиали директори

NISHONDORLARIMIZ

Алоқа соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати билан эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлаётганлар Бухоро туманида кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида ўз касбига меҳр қўйган аёллар ҳам анчагина. Улардан бири — Галаосиё почта алоқаси тармоғининг “Янги турмуш” алоқа бўлими бошлиғи Норжон Ҳикматовадир.

жари, Кечқўноқ, Маҳалла, Туркон, Қайрағоч, Арабхона, Кичикбой, Лабиденов, Қумуштурун, Ипакчи қишлоқлари аҳолисиға, шунингдек, яқин атрофда жойлашган бир қатор қишлоқ врачлик пунктлари, умумтаълим мактаблари, юздан ортиқ фермер хўжаликлари ва савдо шохбчаларига кўрсатилаётган почта хизмати тезкор ва сифатли бўлгани учун ҳам мазкур алоқа бўлими жамоаси хусуси-

ётган экан, ҳеч шубҳасиз, бунда ишчан хат ташувчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Алоқа бўлими бўйича ҳар ойда жами 11 минг сўмлик хат-хабарлар эгаларига етказиб бериляпти, 5 минг сўмлик телеграмма қабул қилиб олинмоқда. Шунингдек, ойда 200 минг сўмлик телефон тўловлари ҳам қабул қилиб олинаётир.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан мамлакатимиз

ҳандис Элмурод Курбонов, ёш иқтисодчилардан Дилдора Болтаева, “Дустлик” алоқа бўлими бошлиғи Ҳалим Хуррамов ва бошқалар меҳнатқашликлари ва жонқуярликлари билан одамлар орасида ҳурмат-эътибор қозонишган.

“Янги ҳаёт” қишлоқ фўқаролар йиғини бўйича кўрсатилаётган почта хизмати ҳажми кам эмас. Ҳозирги пайтда бу ерда 8126 киши истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг 867 нафари нафақа олувчилардир. Уларга пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида етказиб бериляпти. “Янги турмуш” алоқа бўлимида шахарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларини амалга ошириш имконини берувчи таксофонларнинг ўрнатилганлиги эса қўшимча изматнинг айнаи шу туридан ҳар ойда 180-200 минг сўм атрофида даромад олишда муҳим аҳамият касб этияпти.

Опанинг умр йўлдоши Аҳмад ака вилоят Электроманит мослашув хизматида радиооператор бўлиб ишлайди. Шижоатли меҳнати туфайли у “Ўз касбининг устаси” нишонига сазовор бўлган.

Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади. Норжон Ҳикматованинг “Моҳир алоқачи” унвонига сазовор бўлганлиги бир зумда тарқалди. Шу кунги ҳамқишлоқлари-ю, таниш билишлари, ҳамкасблари-ю, устоз-шогирдлари уни нафақат муносиб унвон билан, балки ярим асрлик таваллуд тўйи билан ҳам чин қалбдан қутладилар, унга энг яхши тилакларни билдиришди.

Аскар ИСТАМОВ,
«Хабар»нинг Бухоро
вилоятидаги муҳбири

Нурли манзиллар сари

Норжон опа билан суҳбатимиз самимий кечди. Суҳбат асосида талабчан устозлари-ю, қуюнчақ шогирдлари билан мулоқотда унинг бутун ҳаёт йўли одамларга фақат яхшилик, эзгулик улашишдан иборат эканлигига амин бўлдик.

У ўрта мактабни битирган Галаосиё алоқа бўлимига оддий телефончи сифатида ишга кирган эди. Норжон опа кейинчалик тажрибали мутахассислар ёрдамида операторлик касбини ҳам мукамал эгаллаб олди. Бунда унинг Тошкент алоқа политехникумида олган билимлари қўл келди, албатта.

Ҳа, киши умрини оқар дараға қиёслаганларича бор экан. Мана 15 йилдирки, ўз иш амалиётида яхшигина тажриба орттирган Норжон Ҳикматова «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Бухоро филиали Галаосиё почта алоқаси тармоғининг “Янги турмуш” алоқа бўлимига бошчилик қилиб келмоқда. “Янги ҳаёт” қишлоқ фўқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчилар уни “Бизнинг Норжон опамиз” деб алқашади. Чиндан ҳам, зиммасидаги масъу-



лиятини тўғри англаб етгани боис, опа ўтган давр ичида почта алоқаси раҳбарларидан ҳам, оддий қишлоқ ахлидан ҳам бирор марта эътироз эшитгани йўқ.

“Янги ҳаёт” қишлоқ фўқаролар йиғини ҳудудидаги Чораха, Бешариқ, Дилсўхта, Қора-

да ҳар доим илиқ сўзларни эшитиш мумкин.

Почта хизмати кўрсатиш турларининг кейинги пайтда бир неча бараварга ошгани, жумладан, даврий нашрларга обуна қилиш, газета-журналларни оубначиларга тарқатиш, нафақа ва пенсия пуллари эгаларига етказиб бериш сингари хизматлар ҳар бир ходим зиммасига

катта масъулият юклайди. “Янги турмуш” алоқа бўлимида хат ташуви бўлиб ишлайдиган Пўлат Худойкулов, Бешиим Явмутовлар ҳам ана шу масъулиятни тўғри тушуниб етганлардан. Хизмат кўрсатиш турлари бўйича бу ерда ҳар ойда 110-115 фоизга иш бажарила-

микёсида ишлаб чиқилган давлат дастурида кекса ёшдаги кишиларга, эҳтиёжманд, ногирон, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган инсонларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш зарурлиги ўқтириб ўтилган. Бугунги кунда биз юқорида номларини тилга олиб ўтган қишлоқларда истиқомат қилувчи пиру бадавлат отахон ва онахонлар бу инсоний ғамхўрликдан тўла баҳраманд.

Мана шу ишларнинг барчасига Норжон Ҳикматова бошқош. У бир пайтлар ўз устозлари — раҳматли Жаҳон Турдиев, шунингдек ҳозирги пайтда Галаосиё почта алоқаси тармоғига раҳбарлик қилиб келаётган Мухаррам Мирзаевадан олган сабоқларини эндиликда ўз шогирдларига қунт билан ўргатмоқда.

Устоз ишончини оқлаб келаятган Галаосиё почта алоқаси тармоғи бош оператори Мухаббат Муродова, бош му-

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚКАТИГА!



АТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2007 ЙИЛ 20 АВГУСТ КУНИ, СОАТ 16:00 ДА, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, АЛИШЕР НАВОЙЙ КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БИНОСИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. АТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ РЕГЛАМЕНТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА.
2. АТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИГАН АКЦИЯЛАРИНИНГ ЭНГ КЎП МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА.
3. АТ «АЛОҚАБАНК» УСТАВИГА ТЕГИШЛИ ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ КИРИТИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН АКЦИЯДОРЛАР РЎЙХАТИ АТ «АЛОҚАБАНК» КЕНГАШИНИНГ 2007 ЙИЛ 19 ИЮЛДАГИ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРИГА АСОСАН 2007 ЙИЛ 20 ИЮЛ КУНИГА ТУЗИЛДИ.

БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИ ВА МАЖЛИС ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ 2007 ЙИЛ 20 АВГУСТ КУНИ, СОАТ 15:00 ДАН 16:00 ҒАЧА ДАВОМ ЭТАДИ. АКЦИЯДОРЛАРДАН ЎЗЛАРИ БИЛАН ШАҲСИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТ ҲАМДА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИДАН НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАНГАН ИШОНЧНОМА БИЛАН КЕЛИШЛАРИ СЎРАЛАДИ.

МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МИРОБОД ТУМАНИ, ОЙБЕК КЎЧАСИ, 30-УЙДА ЖОЙЛАШГАН БОШ БАНКДА ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН. МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 152-78-06, 152-78-03.

АТ «АЛОҚАБАНК» КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Акциядорлик-тижорат «АЛОҚАБАНК»нинг молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли муҳим фактлар ҳақида

Х А Б А Р Н О М А

05-хабар

Даромадлари ҳисобланган ва (ёки) тўланаётган (тўланган) қимматли қозғалар тури, шунингдек акциялар учун — категорияси (тури): оддий акциялар.

Банк томонидан акциялар бўйича дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш санаси: 2007 йил 19 июл. Акциялар бўйича дивидендларни тўлаш муддати: 2007 йил 20 июлдан 17 сентябргача.

Дивидендларни ҳисоблаш вақтида — акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилган банк бошқаруви органи: Кузатув кенгаши.

Кўрсатилган категория(тур)даги ҳар бир акцияга ҳисобланган, тўланаётган (тўланган) дивиденд миқдори: оддий акция учун — 7 сўм.

Даромадлари ҳисобланган бир категория(тур)даги акциялар умумий сони бўйича ва даромадлари тўланган бир категория(тур)даги

акциялар умумий сони: оддий акциялар умумий сони — 76 800 000 дон. Қимматли қозғалар бўйича ҳисобланган даромадларни тўлаш шакллари (пул маблағлари, бошқа мол-мулк): пул маблағлари.

07-хабар

Банк томонидан қимматли қозғалар эгаларининг рўйхатини тузиш санаси тўғрисидаги қарорни қабул қилиш санаси: 2007 йил 19 июл.

Қимматли қозғалар эгаларининг рўйхати тузиладиган сана: оддий акцияларга дивиденд тўлаш учун 2007 йил 18 июн, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашувчилар рўйхатини тузиш учун 2007 йил 20 июл.

08-хабар

Қимматли қозғалар эгаларининг олдидаги банк мажбуриятлари: банкнинг оддий акциялари учун дивидендлар тўлаш.

Қимматли қозғалар эгалари олдидаги банк мажбуриятларини бажариш муддатлари: 2007 йил 20 июлдан — 17 сентябргача.

Новости в сфере ИКТ

В ГРЕЦИИ СОВЕТУЮТ РЕЖЕ ИСПОЛЬЗОВАТЬ МОБИЛЬНИКИ



Греческие медики рекомендуют ограничить использование сотовых телефонов. Они советуют держать аппараты подальше от детей, не достигших 16 лет. А также тщательно выбирать модель телефона для того, чтобы уменьшить возможный вред здоровью пользователя. На конференции, организованной Афинской Медицинской школой (Medical School) и Греческим обществом педиатров (Society for Social Pediatrics and Health Promotion) эксперты указали на противоречивые сведения о вреде сотовых телефонов. По результатам опроса 76% врачей заявили, что пациенты спрашивали их о безопасности мобильных. При этом 8 из 10 медиков на этот вопрос затруднились ответить. 70% врачей видят прямую связь между частым использованием сотовых телефонов и раком.

ЧЕРВЬ STORM ПРЕДУПРЕЖДАЕТ ЖЕРТВ О ВИРУСНОЙ ЭПИДЕМИИ

Специалисты по вопросам компьютерной безопасности предупреждают о повышении активности вредоносной программы Storm, впервые обнаруженной в начале нынешнего года.

На сайте австралийского координационного центра CERT сообщается о резком увеличении количества спамерских писем, разосланных злоумышленниками с целью распространения червя Storm. В письмах говорится о том, что с IP-адреса получателя якобы распространяется большое количество электронных сообщений. Далее пользователю предлагается загрузить средства безопасности, которые позволят удалить вредоносное ПО с компьютера. Однако если получатель письма рискнет перейти по ссылке, указанной в письме, на его компьютер вместо обещанной утилиты удаления вируса будут загружены троянские компоненты, открывающие «черный ход» в систему.



ВОЕННАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ ПОПАЛА В ОТКРЫТЫЙ ДОСТУП

Сотрудникам Associated Press удалось обнаружить в интернете ряд попавших в открытый доступ документов, принадлежащих военным организациям, агентствам и исследовательским лабораториям США.

Как сообщается, в руки обозревателей AP, среди прочего, попали фотографии и детальные схемы американских военных баз в Ираке с указанием расположения топливных резервуаров, охранных вышек и барачных для заключенных. Кроме того, сотрудники Associated Press нашли планы строительства новых военных объектов, презентацию в формате PowerPoint с информацией о новых системах GPS и средствах противодействия станциям умных помех, а также документы с описанием новых технологий борьбы со снайперами в городских условиях.

Associated Press подчеркивает, что доступ к найденной информации мог получить любой пользователь интернета. В настоящее время все документы, найденные сотрудниками Associated Press, из открытого доступа убраны. Информационное агентство AP также уничтожило секретные файлы.

ZiyoNET—АНОНС*

Молодежный учебный лагерь

«Хороший отдых – труду подспорье!» Под таким девизом ЦМИ «Келажак овози» организовал молодежный учебный лагерь для активистов Центра и победителей конкурса «Келажак овози».

О нововведениях в проведении конкурса одаренной молодежи «Келажак овози»

С этого года победители конкурса «Келажак овози» получили возможность поступить без экзаменов в один из вузов Узбекистана в соответствии с направлением. В соответствии с решением Государственной комиссии по приему в образовательные учреждения Республики Узбекистан такая практика будет внедрена уже с сентября текущего года.

Фестиваль «Чарвак-2007»

В живописных предгорьях Чимгана, в детском оздоровительном лагере «Нихол» состоялся очередной экологический фестиваль детского художественного творчества «Чарвак-2007».

Церемония вручения дипломов продолжилось ярмаркой труда

Канлыкүлский промышленно-транспортный профессиональный колледж открылся три года назад. А сегодня около 350 его выпускникам уже вручены дипломы.

Эта церемония продолжилась ярмаркой труда, организованной Центром содействия занятости. На ней свободные рабочие места выпускникам предлагали более десяти районных предприятий и организаций. В этот день 47 из них нашли себе работу.

Помогут только собственные знания


Как есть ученые с мировым именем, так есть и такие же учебные заведения. Среди них - Московский государственный университет имени М.Ломоносова. Получить его диплом - заветная мечта многих молодых людей. Уже второй год ее могут осуществить и выпускники средних специальных и профессиональных учебных заведений Узбекистана, причем не выезжая из своей республики. Потому что уже второй раз набирает себе студентов филиал МГУ, открывшийся в прошлом году в Ташкенте на основании постановления Президента Республики Узбекистан.

Пятая четверть – на «отлично»

Сегодня 40 школ Андижанской области продолжают работать – на их базе организованы летние лагеря отдыха детей. «Интернет» – так назвали свой лагерь в школе-интернате № 43 Булак-башинского района.

«Интернет» – не виртуальный, а реальный мир, полный задора и смеха, неуемной детской энергии и изобретательности. Здесь созданы все необходимые условия для отдыха школьников. Прекрасная природа, чистый воздух, неиссякаемые на выдумки вожатые, интересный и насыщенный распорядок дня, вкусная еда – вот чем примечателен лагерь. Еще одна отличительная черта – дешевые путевки.

*Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети ZiyoNET www.ziyo.net.uz



СОВЕТЫ ОТ ЯНАО

Компания Yahoo! несколько расширила возможности своей поисковой системы, добавив функцию под названием Search Suggestions.

Система Search Suggestions предлагает возможные варианты поисковых запросов на основании нескольких символов, введенных в поисковом окне. Для того чтобы воспользоваться функцией, достаточно начать набирать то или иное слово или термин. После ввода первых трех букв на экране появится ниспадающее окно с несколькими словами или словосочетаниями, содержащими набранные символы. Пользователь может либо выбрать подходящий вариант при помощи стрелок управления курсором или мыши, либо продолжить набор запроса. При необходимости функцию Search Suggestions можно отключить.

Нужно отметить, что система автоматического формирования вариантов поискового запроса на основании введенных символов пользователем символов с марта нынешнего года доступна через панель инструментов Yahoo! для браузера. Кроме того, подобную технологию тестирует и один из основных конкурентов Yahoo, компания Google.

МОБИЛЬНИК ПОМОГ ПОЙМАТЬ ГРАБИТЕЛЯ


В США произошла нелепая, но поучительная история. Мужчина сказал 69-летней незнакомой ему женщине, что у него закончился бензин и попросил у нее телефон. Нет, он не выхватил мобильник и не сбежал. Он честно позвонил жене, попросил даму, у которой взял телефон, сообщить, куда привезти бензин, и ушел. Но через полчаса вернулся, ограбил пожилую женщину и уехал.

Возможно, полиция не смогла бы его найти, если бы не одно «но». Когда он звонил своей жене, ее номер остался в телефоне. Полиция связалась с ней, она дала описание машины грабителя - и вор был пойман.

LOGITECH ПРЕДСТАВИЛА «ЛЕТАЮЩУЮ» МЫШЬ

Компания Logitech представила оригинальную беспроводную мышь MX Air, использовать которую можно как на поверхности стола, так и в воздухе.

- «IRIS-PLUS» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001160 рақамли.

"Халқимиз, аввало, ўсиб, униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш низога меваги дарахт куртагини пайванд қиладиган уста богбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим".

Ислон КАРИМОВ

АХБОРОТ УРУШИ

келиб чиқиш омиллари,
мақсадлари, воситалари,
шакллари ва унга қарши
куралиш чоралари

Маълумки, глобаллашув объектив ва қонуний жараён бўлиб, ўзига хос бир қанча ижобий хусусиятларга эга. У биринчи галда давлатларга халқаро майдонга эркин чиқишга, бошқалар билан яқин ҳамкорлик олиб боришга ҳамда ўз миллий манфаатларини турли халқаро ва нодавлат ташкилотлар доирасида таъминлашга кенг имкониятлар беради.

Шуни айтиш керакки, вақт ўтиши билан глобаллашув жараёнининг ўзига хос ижобий томонлари билан бирга, бир қатор салбий жиҳатлари ҳам намоён бўла бошлайди. Давлатларнинг бир-бирига сезиларли даражада ўсган боғлиқлиги шуни кўрсатмоқдаки, бир минтақадаги ҳоҳ салбий, ҳоҳ ижобий воқеа-ҳодисалар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалиб, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таҳдидлар вужудга келмоқда. Вазиятнинг кескинлашуви, ташқи таҳдидларнинг ички таҳдидлар билан, яъни анъанавий таҳдидлар билан ўзаро қўшилиши, улар орасидаги массафа яқинлашуви ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ўсиши қузатилмоқда. Бу ҳолат эса миллий ва минтақавий хавфсизлиқни таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, бугунги кунда жаҳон геосиёсатида

геостратегик кучлар мувозанатининг ўзгариши, кўп қутбли марказлар юзага келиши, улар орасидаги рақобат ҳамда айрим давлатларнинг дунё ҳукмронлиги учун очикдан-очик даъволари янги мустақил давлатларда жамиятни эркинлаштириш ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнига, миллий ва минтақавий хавфсизлиқни таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Геосиёсий рақобат оқибатида халқаро хавфсизлиқнинг янги ноанъанавий таҳдидлари: халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм, наркотики бизнес, ноқонуний қурол савдоси, сепаратизм вужудга келмоқда. Мазкур таҳдидлар эса замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги глобаллашув ва интеграциялашув натижасида кундан кунга миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка хавф солмоқда. Айрим Фарб давлатлари эса ўз миллий манфаатларини кенгайтиришда "демократия экспорти", "иқлимчи меъёр" ва "ахборот хуружи" каби асосий воситалардан фойдаланмоқда.

Глобаллашув жараёнининг бевосита ахборот билан боғлиқ эканлигини тушуниш қийин эмас, албатта. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда ахборот иқтисодиётнинг энг сердаромад манбаига айланиб бормоқда. АҚШ Стратегик таҳдиқотлар институтининг маълумотларига кўра, ахбо-

ЭНГ МУНОСИБЛАРИ ТАНЛАНАДИ

Айни пайтда республика-ми-нинг барча ҳудудларида ўқув юртларига қабул қиз-гин давом этмоқда.

Шу муносабат билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида бўлиб, ушбу жараён билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. Аввало филиалда абитуриентлар ҳужжатларини тўғри расмийлаштиришлари ҳамда тест синовларига пухта тайёрланишлари учун кўргазмалар қўроллаб, эълон тахталари, ахборот-ресурс кутубхонаси шай ҳолатга келтирилганлигига ғувоҳ бўлдик.

Филиал қабул комиссияси масъул котиби Қайратдин Сейткамолов бизга бу йил филиалнинг ахборот технологиялари, информатика бўлимлари бакалавриятига жами 30 талаба, жумладан, 10 нафари давлат бюджети, 20 нафари тўлов-шартномаси асосида, касб таълими йўналиши бўйича эса 25 талаба қабул қилиниши режалаштирилганини маълум қилди. Шунингдек, 9 нафар талаба магистратурада ўқишни давом эттиради. Келгусида телекоммуникация, ҳисоблаш машиналари, компьютер тизимлари ва тармоқлари, математик ва дастурий таъминлаш ва менежмент соҳалари бўйича ҳам мутахассислар тайёрланади. Бунинг учун имкониятлар етарли. Икки нафар фан доктори ва беш нафар техника фанлари номзоди талабаларга таълим бермоқда. Филиалнинг 100 кишилик ётоқхонаси, ёпиқ спорт зали, ўқув-маънавият ва тарбия хоналари ҳам талабалар хизматида. Ўйлаймизки, яқинда улар энг муносиб талаба ёшларни ўз бағрига олади.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,
"Хабар"нинг Қорақалпоғистон
Республикасидаги мухбири

ABDULLA QAHNOR TAVALLUDINING 100 YILLIGIGA



Ўзбек халқининг машҳур сўз санъати билимдони, адабиётшунос олими Озод Шарофиддинов бундан қирқ йилча муқаддам Абдулла Қаҳҳор ижодига тўхталиб "Абдулла Қаҳҳор асарлари бутунги кун маънавий қиёфамизни шакллантиришда, қалбимизда одамийлик туйғуларини алангаштиришда, инсоний покликка доғ туширадиган ҳар қандай иллатлардан ҳазар қилишни ўрганиб олишимизда катта хизмат қилади ва бундан кейин ҳам хизмат қилаверади", деган фикрларни билдирган эди.

Ушбу фикрлар нақадар ҳаққоний эканлигини Истиқлолга эришилган даврда ҳис қилиб турибмиз. Чунки Қаҳҳордек буюк сўз устаси яратган ҳикоялар ҳақиқий санъат асари намуналари бўлиб, улар ҳар қандай замонда ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги каби янги давр шароитида ҳам янги давр одамлари маънавий-эстетик эҳтиёжини қондиришда хизмат қилиб келмоқда.

Бадий сўз санъатининг жамиятга хизмат қилишини яхши англаган ёзувчи қайси мавзуда қалам тебратмасин, унинг моҳиятида, энг аввало, инсон тақдирини, унинг ҳаёт кеңириш билан боғлиқ масала у ёки бу даражада ўз аксини топади. Буни Қаҳҳорнинг кўпчилик назарида эътиборсиздек туюлган қаҳрамонлар характери ни, воқеалар жозибдорлиги, ҳаётлигини таъминлашга ёрдам берувчи, инсонлар орасида доимо алоқа воситаси бўлиб келган хат-хабар ва мактуб деталдан ҳикояларида ўринли фойдаланганлигидан кўриш мумкин.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини ўқиган китобхон ёзувчининг ҳаётини чуқур ўрганганлиги ёки ундаги оддий нарсаси ва ҳодисаларга санъаткор нигоҳи билан қараб, улардан ўзга бир маъно чиқарганлигига ғувоҳ бўлади. Чунки, унинг "Асрор бобо" ҳикояси сюжет воқеалари ва қаҳрамонлари орасида кечадиган ўзаро муносабатлар том маънода хат-мактуб детал билан боғлиқдир. Ёзувчи ҳикоя қаҳрамонлари характери, ички психологик кечинмаларини бадий ёриштиришда ана шу воситадан санъаткорона фойдаланганлигини Асроркул билан кампирни образларидан билиш мумкин. Ҳикоя сюжети воқеаси ҳам жуда жўн. Иккинчи жаҳон урушига кетган ўғилдан келган "қора хат"нинг ёшлари бир жойга бориб қолган чол билан кампир ўртасида бир-биридан "сир тўтилиши" ва жигарбандларидан келган хабар билан бир-бирларига озор етказмаслик. Қаҳҳор шу кичкина бир детал орқали катта бир ҳаётини мазмунли очадик, буни ҳар қандай сўз санъаткори ҳам қаҳҳорона қилиб тасвирлай олмайди.

"Оқ पोшо замонидан дўстлашган Хайдар ота бир замонлар қийинчилик дарида Асроркул тилаб олган Едгор ўғлининг аскарликка олиinganлигини эшитиб, унинг уйига — Ултармага меҳмон бўлиб келади. У Асроркулнинг келганида дўсти самоварда эди. Хайдар ота ўғли соғинчидан бели бўкмайиб қолган кампирдан Едгорбойни сўраб:

— Хат келиб турибдими? — деган эди, кампир, ўзи тўлиб турган экан, кўз ёши қилиб, Асрор бобонинг ўғилдан келган хатларни унга бермаслигини айтиб арз қилади." Ҳикоянинг асосий воқеалар тугуни ҳам ана шу хат ҳақидаги кампирнинг хабаридир.

Шундан сўнг, икки дўст учрашиб

кўнгил сўрашган, яна гапнинг асосий мавзун хатга қўяди:

— Ҳўш, Едгорбойдан хат келиб турибдими? — деган саволига Асрор бобо:

— Ҳа, ҳар хатида сени сўрайди... дея кўнгил тўлиб кетади ва сездирмаслик учун кичкина ўғли Асрорга чилим келтиришни буюриб, баҳона қидиради. Хайдар ота дўстининг илгари чилим чекмаслигини билиб, унинг бу одатини сўрамоқчи бўлганида, кампир унга имо қилиб: "Айтинг, хатни кўрсатсин" дея ишора қилади. Хайдар ота ҳам гапни у ёқ-бу ёқдан олиб, яна хат мавзусига қайтади:

— Ҳа, ишқилиб боши тошдан бўлсин. Қани, бирорта хатини ўқийлик, бўлмаса, — дейди. Асрор бобо:

— Дўконда, ҳамма хати самоварда, — дегач, кампир яна кўз ёши қилиб, эрини қойган бўлади. Шунда Асрор бобо:

— Яхши хат ёзса ҳам йиғлайсан, ёмон хат ёзса ҳам йиғлайсан, нима қиламан кўрсатиб? — деб аччиқланган бўлади.

"Асрор бобо" ҳикоясида воқеалар ечим ҳам жуда оддий. Бироқ ёзувчи инсонлар тақдирини ва руҳий ҳолати мантиқидан келиб чиққан ҳолда бу муаммони санъаткорга хос тарзда ечишга муваффақ бўлади.

Асроркул Бешсерка қишлоғилик Абдулмажид деган бир йигитнинг урушдан ярадор бўлиб келганини эшитиб, уни Ултармадаги самоварга тақлиф қилади. Асрор бобо дўсти Хайдар отани самоварга қақриб, ўзи қандайдир бир юмуш билан кетганда, бир бола Абдулмажиддан хат олиб келиб қолади. Хатда Абдулмажид самоварга айтилган вақтда бора олмаслиги, уйига меҳмон келиб қолганлиги ёзилган эди. Бироқ Абдулмажид самоварга бормай, Асрор бобонинг уйига боради ва кампирдан фронтда ҳалок бўлган Едгор ҳақида гапириб, ундан кўнгил сўрайди.

"Хайдар отанинг диққати харбий

қийим кийган ёш йигитга қаратилади. У хаддан ташқари қизарган, ўзини қаерга қўйишни билмаётганга ўхшар эди.

— Абдулмажид сиз бўласизми, ўғлим, — деди Хайдар ота. — Сиз эртага борамиз деб хат қилган экансиз, Асроркул сиз билан гаплашгани ўзи кетган эди. Абдулмажид Хайдар отага секин:

— Жуда бефаҳмлик қилдим-да, — деди.

— Нима гап? — деб сўраганда:

— Едгорбойнинг... нобуд бўлганидан булар беҳабар экан, тўғри келиб кампирдан кўнгил сўрабман...

Хайдар отанинг юраги орзқиб, тилигача музлаб кетди. Абдулмажид Хайдар отага хабарини Асроркул отага айтмаслигини илтимос қилиб, унинг буни кўтара олмаслиги, кампирнинг ҳам хоҳиши шу эканлигини айтиди.

Меҳмонлар бундай вақтда ҳар қандай сўз инсонга тасалли бера олмаслигини англаган ҳолда хайрлашиб кетишгач, Хайдар ота самоварга боради ва Асроркул билан кампирнинг қайғуларини қўлишга киришиб, Асрор билан яна мактублар туришида гап очади.

Хайдар ота Едгорбойдан хат келмай қолганини сабабини сўраб экан, яқиндаги билган мусибатини Асрор олдиндан билганлигига ишонч ҳосил қилиб:

— Едгорбойдан хат келмай турган бўлса, кампирини шунақа овутиб турганим ҳам тузуқ... келиб қолар, — деганида Асроркул ўзқондаги кўм-кўк адирларга соя солиб турган оппоқ булут парчаларига қараб жим қолди; анчадан кейин чилим солиб кечди. ...Асроркул яна ҳам қорайган ва ҳозир вужудидан тутун чиқи кетаётгандай кўринди." Воқеаларнинг мана шу ўрни драматизмга бой эпизод — инсоннинг ички охи, тақдирини билан бевосита боғлиқ психологик ҳолат сифатида асосий моҳиятини англаштишга хизмат қилади.

"Асроркулнинг кўзи атрофи қизариб,

юзида сохта табассум акс этди.

— Нима ҳаёлга борар эдим? Едгорбой ова боргани йўқ, урушга борган. Кампирга билдирмасанг, ростини айтман. Кампирга айтма, кўтаролмайди... Қора хат келган."

Шундан кейинги воқеалар жараёнида ёзувчи ниҳоятда гузал бир ҳаёт ҳақиқати манзарасини чизади. У ўзбек халқининг "ёмон хабарни яқинига иложи борица айтмаслик" аъёнлари усулидан фойдаланиб, йиғлаб турган инсон чехрасига қай тарзда кулги олиши, ўзига яқин инсоннинг қалбини ларзага солмаслик йўлини топади.

"Асрор овкатга айтгани келди. Уни кўриб, Асроркулнинг чехраси дарров ўзгарди ва уйга боргунча мусибатдан асар ҳам қолмади.

Кампир одатдагидан қаққонроқ ҳаракат қилар ва мумкин қадар кам сўзлашга тиришар эди. Асроркул сочиққа қўлини артаётди, унга разм солди ва қилиб:

— Э, кўзичоғим, яна йиғлабсиз-да, — деди.

Кампирнинг юзидан кулгига ўхшаган бир нима акс этди, лекин дарров юзини буриб, қалпир билан қозонни қирар экан, жеркиб:

— Ҳадеб йиғи тўғрисида гапирманг, — деди.

Лекин овқатни келтирганида унинг кўзида ёш айланар эди; овқатни ўртага қўйиб кўзини артди.

— Қуриб кетур шу ўтиннинг тутунини бирам аччиқ эканки."

Ёзувчи бу ўринда халқ орасидаги ўтиндан, пиездан кўз ёшларини билан боғлиқ баҳонани ўз ўрнида қўллаган.

Абдулла Қаҳҳор инсонлар орасидаги ўзаро муносабатлар: оғ-ини, қариндош-уруғчилик, дўст-биродарлик, таниш-билишчилик ришталарини улар орасидаги доимий восита ҳисобланган хат-хабарларсиз, почта алоқасисиз тасаввур эта олмаслиги аъёнларини ўз ҳикояларида шу даражада санъаткорона тасвирлагани, воқеалар, улардаги инсонлар ҳаёти ва турмуш манзаралари китобхонда ўзига хос маъно йўғотиши билан ажралиб туради. Зотан, биргина хат-хабар ва мактублар иштирокида ҳикоя қилинадиган ҳаёт манзаралари бунинг ёрқин далилидир.

Абдулла Қаҳҳор фақат "Асрор бобо" да эмас, "Хотинлар", "Кўк конверт", "Кампирлар сим қокди", "Картина" сингари ҳикояларида ҳам почта алоқаси, хат ва мактублар воситасида оригинал сюжет воқеалари ҳамда халқимизнинг типик одамлари образларини яратган. Чунки, "Картина" номли ҳикояда ўзбек халқининг санъати, китобга хаваси зўрлигини таъкидлаш билан бирга одамлар маърифати, билими учун хабар-ахборот ёзишнинг ҳам аҳамиятини урғулаган.

Абдулла Қаҳҳор санъаткорлик истеъдодининг биз томондан кўрсатиб ўтилган қирралари Истиқлол мафкурасини яратиб, ўсиб келаётган авлодлар маънавий-маърифий камолотини ривожлантиришда доимо асқоталаверади. Бинобарин, Абдулла Қаҳҳордек улўғ сўз санъаткори одамлар орасида доимий алоқа риштаси бўлиб келган хат-хабар ва мактублардан фойдаланиб оддий воқеалар замирида чуқур инсоний фазилатларни акс эттира олувчи ҳикоялар яратилиш бу сўз санъаткорининг нақадар бетақороб истеъдод эгаси эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

САИД АЛИМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти

рот маҳсулотига сарфланган ҳар бир доллар, ёнилғи-энергетика соҳасига сарф қилинган 1 доллардан кўра бир неча баробар кўп фойда берар экан. Бу фақат унинг иқтисодий жиҳати, унинг сийсий жиҳати эса ўз шахсий манфаатларига ўта арзон, ўта қулай йўллар билан эришиш сифатида қаралмоқда. Шу нуқтаи-назардан қаралганда, бугунги кунда ахборот омили ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан айрим қўллар манфаатига айланиб борапти. Шунинг учун ҳам янги мустақил давлатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлашда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий омилар билан бир қаторда унинг информация жиҳатлари борган сари долзарбашмоқда. Президентимиз айтганидек, ахборот омили — ядровий полигонлардан ҳам дахшатли омилга айланиб бораётир. Агар мазкур омилга алоҳида эътибор берилмас экан, у борган сари кучайиб боради. Натижада, айрим қўллар қўлида асосий «қурол»га айланади. Бу эса нафақат давлатлар ёки минтақаларда кескин вазият вужудга келишига сабаб бўлади, балки халқаро миқёсда ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Шу боисдан халқаро муносабатлар тизимида юз бераётган ўзгаришлар натижасида миллий хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик ва халқаро хавфсизлик каби тушунчалар моҳиятини тушу-

нишга, уларнинг ўзаро боғлиқлигини англашга эътибор ортиб бормоқда. Бугунги дунёнинг информацион хавфсизлик ҳолати «хавфсизлик»ка бўлган замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка нисбатан концептуал қарашларни ривожлантиришга ундамоқда. Холис ва ҳаққоний ахборотларни тарқатиш, омиларнинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳар қачонгидан кўра бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Демократик жамиятда омилар ахборот воситалари, теле ва радиоканаллар одамларни ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказадиган, гуманистик қарашлар, илғор ғояларни ифода қиладиган эркин минбар сифатида эътироф этиладиган воситадир. Аслида ҳам шундай. Бугун жаҳон миқёсида бўлаётган оламшумул ўзгаришлар, иқтисодий тараққиёт, янг-фандани инсон ақлини лол қолдирадиган янгиликлар ухтирлар — барча-барчаси омилар ахборот воситалари орқали маълум бўлмоқда. Демак ОАВ яхшиликка, эзгуликка хизмат қилмоқда. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, ўтган асрнинг охирилари, XXII йиллиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб Фарб матбуотида биз айтган эзгуликка хизмат қилиш ўрнига бошқа «буюрт-

мали эзгуликка» хизмат қилиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Айниқса, бу ҳолни собиқ Иттифқоқ ўрнида ташкил толган мустақил республикалар, хусусан, Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон билан боғлиқ жараёнларда учратиш мумкин.

Агарда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Фарб матбуотининг республикамизга бўлган муносабатини таҳлил этадиган бўлсак, "Озодлик", «Би-Би-Си» ва бошқа радио ҳамда газеталарда кўпроқ ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва шу каби соҳалардаги камчиликларга эътибор қаратилар эди. Лекин, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида қатъий ва дадил йўл тутган бўлиганидан, айрим халқаро ташкилотлару империяпарастларнинг йўриғига юрмаганидан, уларнинг геостратегик режаларини барбод этганидан сўнг ахборот хуружлари авж ола бошлади.

Мана шундай шароитда, яъни демократик жараёнларга баҳо беришда ким ҳолис ёндашаётганлиги, кимнинг эса бераётган баҳоси уйдирма бўлиб, ҳақиқий демократияга ва миллий манфаатларга эид эканлигини англаш учун ҳар биримизда фуқаровий позиция бўлиши керак.

(Давоми бор.)

Нёзматулла МҲМИНОВ,
ТАТУ профессори

PAZANDA MASLAHATI

ШИРАЛИ ГҶШТ

Керакли махсулотлар:
Мол гўшти — 1 кг, пиёз — 2 дона, асалли пряник — 1 дона, асал — 2 ошқошиқ, майиз — 0,5 стакан, шакар — 2 ошқошиқ, лимон суви, қуритилган нон бўлаклари (сухари), дафна япроғи (лавр япроғи).

Тайёрланиши:

Бўлакларга ажратиб олинган гўшт

товада қизғиш тус олгунга қадар қовуриб олинади. Сўнг қозонга олиниб, туз, мурч, майда тўғралган пиёз, дафна япроғи ҳамда икки бармоқ эн қалинлигида сув солинади ва 1 соат давомида димланади. Кейин тайёр бўлган соусдан гўшт ажратиблиб, соус элакчадан ўтказилгандан сўнг яна гўшт, уқаланган сухари, кирғичдан ўтказилган пряник,



чойқошиқ учиди лимон суви, асал ҳамда майиз солинади ва пишгунга қадар димланади.

ТҶРКЧА „ЯЙЛА“ ШҶРВА

Керакли махсулотлар:

Гуруч — 1/3 стакан, сув — 4 стакан, ун — 3 ошқошиқ, қатик — 2/3 стакан, тухум — 1 дона, сариеғ — 4 ошқошиқ, ялпиз.

Тайёрланиши:

Ювиб олинган гуруч 30 дақиқа давомида сувда пишириб олинади. Қатик, ун ва тухумга 2 ошқошиқ гуруч, қайнатилган сув ҳамда туз солиниб, аралаштирилади. Сўнг бу масаллик аста-секинлик билан аралаштирилаётган ҳамда қайнаётган гуручга солинади ва 10 дақиқа давомида пиширилади. Ялпиз барглари ва сариеғ таом пишишидан 2-3 дақиқа олдин солинади. Ушбу таом туркларнинг энг сеvimли таомларидан биридир. Унинг тайёрланиши жуда осон. Сиз ҳам тайёрлаб, яқинларингизни хушнуд қилинг.



ХОЛОДЕЦ

қайнаётган сув қуйиб юборилади. Гўшт ўртача катталиқдаги бўлакларга ажратилади.

2. Қозонга сув қуйилади ҳамда туёқлар ва гўшт солиниб баланд оловда қайнатилади. Юзага чиқиб қолган ёғ ажратилгандан кейин олов пастлатилади.

3. Пиёз ва сабзи катта-катта тўғралади. Сўнг ёғ солинмаган товада 1-2 дақиқа давомида қовуриб олинган, гўшт ва туёқлар қайнаётган қозонга солинади. Оловни пасайтирган ҳолда ва қопқоғи ёпилиб (бутунлай қозонни қопламаган бўлиши лозим), 5 соат давомида пиширилади. Керак бўлса, қайнаган сув қуйиб

туриш керак. Пишишидан олдин дафна япроғи, мурч ва таъбга қараб туз солинади.

4. Қозондаги гўшт, туёқлар ва сабзи сувдан ажратиб олинади. Суви совуб қолмаслиги учун қозонни сочиқ билан ўраб, тиндириб қўйилади.

5. Суяқлар гўшдан ажратиб олинади ва тўғралади. Гўшт 0,5-0,7 см. катталиқда, тўртбурчак шаклда тўғралади керак. Саримсоқпиёз майдаланади.

6. Қолип ёки бошқа чуқурроқ идишга тўғралган масалликлар солинади ва қозондаги тиндирилган сув қуйилиб, совутилади. Тановул қилишдан аввал қолипдан олинади ва тўртбурчак шаклдаги бўлакларга ажратилади.

Керакли махсулотлар:

Мол ёки қўй туёғи — 2 дона, мол гўшти — 500 гр, пиёз — 1 дона, сабзи — 1 дона, кашниқ — 1 боғ, саримсоқпиёз — 4-5 бўлак, дафна япроғи.

Тайёрланиши:

1. Туёқ яхшилаб ювилиб, устидан

SHIFOBAXSH NE'MATLAR

АНОРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Анор меваси таркибида иштаха очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи лимон ва олма кислоталари, фруктоза, глюкоза, В1, В2, С дармондорилари кўп.

Абу Али ибн Сино анор пўсти қайнатмасини қон туфлаш, милқлар қонаши каби ҳолатлар ҳамда меъданинг бошқа турли касалликларини даволочи, шунингдек, гижжа туширувчи, сидик хайдовчи восита сифатида қўллаган.

Халқ табобатида анор шохи пўстлоғи билан мева пўстининг қайнатмаси, гулининг дамламаси, мева шарбати ичкетар, сариқ касаллиги, йўтал ва кўтирни даволашда ишлатилган. Нордон анор безгақ хуружини бартараф этувчи, меъда тузатувчи малҳам ҳисобланган. Анор шарбати зангила (лавша, цинга) хасталигининг олдини олиш ва даволашда яхши фойда беради.

Фойдали маслаҳатлар:

1. Анор пўстидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи зич ёпилувчи сирланган ёки юқори ҳароратга чидамли идишга бир стакан (200 гр) сув қуйиб устидан қуриб майдаланган пўстлоқ аралаштириб қайнатилади. Малҳам 200 грдан камайиб кетмаслиги учун унга қайнаб турган сувдан яна бир оз қўйиш мумкин. Сўнгра икки соат давомида тиндириб қўйилади. Докада сизиб олинган қайнатмадан кунига уч маҳал овқатдан олдин бир ошқошиқдан ичиб турилади. Ундан оғиз бўшлигини чайишда ҳам фойдаланиш мумкин.

2. Ширин анор илдизининг пўстидан шарбат тайёрлаш учун 20 мисқол илдизни тўрт коса сувга солиб бир коса қолғунига қадар қайнатилади ва сизиб олинади. Олдин ярим мисқол қанд истеъмол қилиниб, устидан шу қайнатма ичилади. Бир неча соат ҳеч нарсаси эмаслик керак. Шу йўл билан қовоқуруғисимон гижжаларни тушириш мумкин.

3. Анор, олма, беҳи, лимон, отқулоқ, ошқовок, нилуфар ва кашниқни тенг миқдорда аралаштирган, қайнатилиб, ҳосил бўлган қуюқ шарбатга асал қўшиб истеъмол қилинса, сафро қусиш, кўнгил айниши ва мадорсизликка даво бўлади.

4. Анорнинг уруғини янчиб, асалга аралаштириб суртилса тиш, бурун ва оғиз бўшлиғи хасталиқларида яхши фойда беради.

Эслатмалар:

Сурункали қабзият ва бавосил хасталиғида анор истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Анорни кўп истеъмол қилиш меъдани заифлаштиради.

Шамоллашда кўкрак ва томоқни юмшатиш учун нордон анор ейиш мумкин эмас.

Иш тополмай кийналиб кетган эрдан хотини сўради:

— Ёшлигингизда ким бўлишни орзу қилгандингиз?
— Ҳеч ким.
— Унда хурсанд бўлаверинг. Орзуингиз ушалибди.



ХАНДАЯЛАР



— Янги сотиб олган уйингизда камчиликлар бор эканми?
— Ҳа, битта камчилик топдим.

— Қандай?
— Кириш эшигини ҳалиям оча олмаёяман.

Бир болакай ўртоғига деди:
— Кеча мени ит тишлаб олди.

— Кутурган эканми?

— Йўқ. Кутурган бўлса, думидан тортиб ўйнардим-дими?!



(Давоми.)

Аввали ўтган сонда)

Маълумотлар банки (ru — банк данных; en — databank) — Маълумотларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш ва улардан жамоа бўлиб фойдаланишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими.

Изоҳ — Маълумотлар банки таркибига битта ёки бир неча маълумотлар базаси, маълумотлар базасини бошқарув тизими, шунингдек, сўровлар ва амалий дастур кутубхоналари киради.

Ахборотга оид қонунлар (ru — законодательство информационное; en — information legislation) — Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган ва ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қонуний ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Инфокоммуникациялар (ru — инфокоммуникации; en — information communications) — Замонавий ахборот, компьютер ва телекоммуникация технологияларини узвий бирлаштирувчи, уларнинг тизимлари ва воситаларини сотиш, ташкилотлар ва аҳолига ахборот ҳамда коммуникация махсулотлари ва хизматларини тақдим этиш учун мўлжалланган тўплам.

Ахборотлаштириш (ru — информатизация; en — informatization) — 1. Ахборотлаштириш ресурслари ва ахборотлаштириш тизимларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш асосида фуқароларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари ҳамда ташкилотларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароит яратишдаги ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараён.

2. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги барча соҳаларда фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг ахборот эҳтиёжини бошқариш, қондириш ва мамлакатнинг дастлабки ахборот жамиятига ўтишни ташкил қилиш учун ахборот ва билимлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида инфокоммуникациялардан кенг миқёсда фойдаланиш жараёни.

3. Мавжуд бўлган билимларни тартибга солиш ва янгилашни шакллантиришни таъминловчи ахборотларни тўплаш, қайта ташкил қилиш, сақлаш ва тарқатиш усуллари ҳамда воситаларини ривожлантириш ва кенг миқёсда қўллаш, уни доимий бошқариш ва тақомиллаштириш ҳамда ривожлантириш мақсадида ундан жамиятнинг фойдаланиши.

(Давоми бор.)



СПАРТАКИАДА ФОЛИБЛАРИ

Жорий йилнинг 12-13 июл кунлари Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган соҳа спартакиадасининг иккинчи босқичи ўтказилди. Унда Тошкент шаҳридаги алоқа ва ахборотлаштириш корхона, ташкилот ва муассасалари жамоалари қатнашиб, спортнинг кўпкураш, шахмат, шашка ва стол тенниси турлари бўйича эркаklar ва аёллар ўртасида ҳамда волейбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Уларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

КЎПКУРАШ:

- 1-ўрин — Алоқа коллежи.
- 2-ўрин — Ўзинфоком.
- 3-ўрин — РРТМ.

ШАХМАТ (эркаклар):

- 1-ўрин — Нигмат ЮНУСОВ (ТАТУ).
- 2-ўрин — Икром АБДУЛЛАЕВ (РРТМ).
- 3-ўрин — Валерий АВАНЕСОВ (Ўздунро-бита).

ШАХМАТ (аёллар):

- 1-ўрин — Земфира МУХАМЕДОВА (ТАТУ).
- 2-ўрин — Гулзода НАЗАРОВА (ЎзНЕТ).
- 3-ўрин — Надежда КОЛЕСНИЧЕНКО (РРТМ).

ШАШКА (эркаклар):

- 1-ўрин — Анатолий МАСЛОВ (РРТМ).
- 2-ўрин — Исмат ШОХАЛИЛОВ (МАТБ).
- 3-ўрин — Баҳромжон ЮНУСОВ (ТошТТС).

ШАШКА (аёллар):

- 1-ўрин — Саодат ИКРОМОВА (ТАТУ).
- 2-ўрин — Людмила ЧУБ (ДАИ).
- 3-ўрин — Дилноза ЗИЁМУХАМЕДОВА (ЎЗИ).

СТОЛ ТЕННИСИ (эркаклар):

- 1-ўрин — Рамил ЯКУБОВ (ТошТТС).
- 2-ўрин — Олим ЎРОЛОВ (Тошкент почта-ми).
- 3-ўрин — Игор БАБАЕВ (Ўздунробита).

СТОЛ ТЕННИСИ (аёллар):

- 1-ўрин — Елизавета ШАПОВАЛОВА (Ўздунробита).
- 2-ўрин — Нина СУВОРОВА (ФТМТМ).
- 3-ўрин — Наталья КИМ (Ўзбектелеком).

ВОЛЕЙБОЛ (аёллар):

- 1-ўрин — Шаҳарлараро алоқа корхонаси.
- 2-ўрин — Давлат алоқа инспекцияси.
- 3-ўрин — ЎзТТБМ.



Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом ва мукофотлар топширилди. Мазкур беллашувларда биринчи ўринларни эгаллаганлар сентябр ойида Тошкент шаҳрида ўтадиган финал босқичи ўйинларида иштирок этадилар.

Суннат АБДУҒАНИЕВ,
мусобақа ҳаками

SPORT



© 2007 Asian Football Confederation

ЎЗБЕКИСТОН — ЧОРАКФИНАЛДА!

Осиё Кубоги гуруҳ босқичи баҳсларининг иккинчи ва учинчи турларини йирик ҳисобдаги ғалаба билан якунлаган терма жамоамиз чоракфиналга йўл олди.

Иккинчи турдан бошлаб жамоа сардорлигини қабул қилган Максим Шацких жамоадолларини ўз ортидан эргаштира олди. Чиройли ўйинлар чиройли ғалабаларни келтириб чиқарди. Айниқса, Хитой билан кечган ҳал қилувчи учрашувда вакилларимизнинг ҳар бири ўз ишини мохирона бажара олди. Ҳатто, шундай масъулиятли ўйинда ўзининг илк учрашувини ўтказган Анвар Ғофуров ҳам гуёки терма жамоада кўп йиллар тўп суриб келадигандек ҳаракат қилди... Мана энди мураббийларимизнинг иши юзага чиқди, Рауф Инилеевнинг тактикаси ишга тушди, Миржалол Қосимовнинг стандарт вазиятни қандай амалга ошириш кераклиги тўғрисидаги кўрсатмалари ўз натижасини бера бошлади. Ўйлаيمизки, бу ҳолат мусобақа финалига қадар давом этади...

Терма жамоамизнинг чорак финалдаги рақиб — "D" гуруҳи ғолиби, бразилиялик мураббий бошчилигида тезкор футбол намойиш қилаётган Саудия Арабистони терма жамоаси бўлади. Саудияликлар ҳам сўнгги турда Баҳрайини тормор этиб, чоракфинал йўланмасини кўлга киритди.

Мусобақа гуруҳ босқичининг иккинчи ва учинчи тур учрашувлари натижалари қуйидагича:

"А" ГУРУҲИ

- 2-тур
Уммон — Таиланд — 0:2
- Ироқ — Австралия — 3:1
- 3-тур
Таиланд — Австралия — 0:4
- Уммон — Ироқ — 0:0

"В" ГУРУҲИ

- 2-тур
Қатар — Вьетнам — 1:1
- БАА — Япония — 1:3
- 3-тур
Қатар — БАА — 1:2
- Вьетнам — Япония — 1:4

"С" ГУРУҲИ

- 2-тур
Ўзбекистон — Малайзия — 5:0
- Голлар: Максим Шацких, 10; 89; Темур Копадзе, 30; Улуғбек Бақоев, 45; Азиз Ибрагимов, 86.
- Эрон — Хитой — 2:2
- 3-тур
Ўзбекистон — Хитой — 3:0
- Голлар: Максим Шацких, 72; Темур Копадзе, 86; Александр Гейнрих, 90.
- Малайзия — Эрон — 0:2

"D" ГУРУҲИ

- 2-тур
Баҳрайн — Жанубий Корея — 2:1
- Индонезия — Саудия Арабистони — 1:2
- 3-тур
Индонезия — Жанубий Корея — 0:1
- Саудия Арабистони — Баҳрайн — 4:0
- Чоракфиналда қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс олиб боради:
Япония — Австралия
21/07 15:20
Ироқ — Вьетнам
21/07 18:20
Эрон — Жанубий Корея
22/07 15:20
Саудия Арабистони — Ўзбекистон
22/07 18:20

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ ҲАМ МУСОБАҚАНИ БОШЛАШДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши кубоги учун мини-футбол бўйича сўнгги ҳудудий-минтақавий мусобақалар Тошкент шаҳридаги "Қушбеги" спорт залида ўтказилмоқда. Қуръа натижаларига кўра иштирокчи жамоалар қуйидаги гуруҳларга тақсимландилар:



"А" ГУРУҲИ

1. ТАТУ
2. Алоқабанк
3. ЎзТТБМ
4. ФТМТМ
5. ДАИ
6. Матбуот тарқатувчи

"В" ГУРУҲИ

1. ШАК
2. ЭМММ
3. Мониторинг маркази
4. Ўзбекистон почтаси
5. ТошТТС
6. РРТМ

"С" ГУРУҲИ

1. ТШТТ
2. ЎзНЕТ
3. ЮНИТЕЛ
4. Алоқа коллежи
5. Тошкент почта-ми
6. ДФХ

Чоршанба кuni "В" гуруҳининг биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мурсасиз ва қизиқарли кечган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

- ШАК — РРТМ — 6:1
 - ЭМММ — ТошТТС — 3:6
 - Мониторинг маркази — Ўзбекистон почтаси — 1:1
- Эслатиб ўтаимиз, ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган олти жамоа финал босқичи йўланмасини кўлга киритади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусалом КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
руйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган кўлзма ва
суратлар эълоғига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
тахририят фикридан фарқланиши
мумкин.

Наширимиздан кўчириб босил-
ганда "Хабар"дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўғри-
лиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг
ҳаққонийлиги учун мақола
муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда Интернет ма-
териалларидан ҳам фойдаланилди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

653-С сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ.
Алади: 7905 нуска.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва сақланганлиги.


Саҳифаловчи: Аслидин БҲРИЕВ.
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Шарқда қадим-қадимдан ота оиланинг соҳиби ҳисобланган. Отага гап қайтариш у ёқда турсин, унинг кўзига тик қаралмаган. Халқимизда бу ҳақда жуда кўп ривоятлар, мақоллар, ҳикмати сўзлар бор.

Оталар бор ўз фарзанди учун жонини аямаган. Тарихда бу ҳақда мисоллар кўп. Ҳинд олими Муни Лаъл «Бобур» номли асарида қуйидагича ҳикоя қилади:



ОИЛА САРБОНИ

«Хумоюн қаттиқ оғриб қолади ва уни оғир аҳволда Аграга олиб келишди. Табиблар кечаю кундуз тиришиб, касаллиқни аниқлашга, уни даволашга уринадилар. Аммо бари зое кетади. Бобур ўғлининг тезроқ оёққа туришини истади. Бироқ унинг аҳволи баттар оғирлашди: илоҳий бир мўъжиза юз бермас экан, фалокат юз бериши кўриниб қолади. Шунда Бобур Аллоҳга астойдил ёлвориб, ўғлининг ўрнига ўзининг жонини олишини сўрайди».

Гулбадан ёзади:

«Саройнинг неча уламои киромлари подшо ҳазратларини бу қарордан қайтишга ундадилар, лекин отам унамадилар. Неча бир оқилу донолар бунинг ўрнига мўл-кўл олтин-кумуш садақа этишни таклиф қилдилар. Дунёда ўлимга тенг келадиган гавҳар борми?! Шундай деб сўзларида қаттиқ туриб олдилар. Кўнгиллари ул ҳазратни олий қурбонликка ундар эди. Йиглаб, кўз ёши тўкаётган сарой хонимлари орасидан ўтиб, Муҳаммад Хумоюн ётган хонага кирдилар. Акам тўшақда оғир иситмада кўйиб, холдан тийиб ётар эди. Отам унинг бошига бориб, кўлларини дуога очдилар. Сўнг ваз-

мин қадам ташлаб, унинг атрофидан уч марта айландилар. Такрор-такрор дедиларким: «Ё Аллоҳи карим, унинг дардини менга бергил! Унга келган бало менга урсин!». Сўнг ҳазратнинг йиғи аралаш шу сўзлари эшитилди: «Берган садақам қабул бўлди!.. Ниятимга етдим!.. Муродимга етишдим! Аллоҳи карим тилагимни қабул айлади!..»

Хона ичида юз бераётган воқеа чиндан ҳам юракларни ларзага солар эди. Ранглари синикқан, ғам-қайғу юки остида эс-хушини йўқотайсан Бобур Тангрига ялиниб-ёлворади. У ўғлимни кўйиб, унинг ўрнига менинг жонимни ол, деб зорланаркан, ҳушсиз ётган Хумоюн дард чекиб, оғир инграб эди... Ҳамма шафқат, марҳамат сўраб, Яратгандан бир садо кутарди...

Бобур дуою илтижоларим Тангри даргоҳида қабул бўлди, деб имон келтирди... У фалақдан нажот сўраркан, аста-секин ўзининг аҳволи ёмонлашиб, ўғлининг аҳволи яхшилана борди. Чиндан ҳам ўлим тўшағида ётган шахзода ҳушига келиб кўзини очди. Бобурнинг аҳволи эса оғирлашгандан оғирлашаверди...

Ҳикमत

**Олти кун оч қолсанг ҳам,
Отангни меҳмон қил.**



Иzzат АХМЕДОВ

ОБУНА — 2007

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга 2007 йилнинг қолган ойлари учун обуна давом этаётганини маълум қиламиз. «Хабар»га барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Якка тартибдаги обуначилар ва ташкилотлар учун ягона нашр кўрсаткичи — 228.

Унутманг, обуна йил бўйи давом этади!

ГАРРИ ПОТТЕР ҲАЛОК БЎЛАДИМИ?

Эртага Англия ва АҚШ китоб дўконларида Гарри Поттер ҳақидаги еттинчи китоб сотувга чиқарилади.

Ўтган йил охирларида британиялик ёзувчи Жоан Роулинг еттинчи китобининг номланишини маълум қилиб, роман охирида қаҳрамонлардан бири ҳалок бўлишига ишора қилган эди. Бундан бош қаҳрамоннинг ашаддий мухлислари ташвишга тушиб қолишди. Шундан келиб чиқиб, Англиянинг букмекерлик идоралари пул йиғишга киришди. Бу мавзу китоб чиқиши яқинлашгани сари шу даражада долзарб-лик касб этдики, букмекерлик идоралари Гарри ўлдирилиши мумкин, деган тахминга пул қабул қилишни тўхтатишга мажбур бўлди. Чунки, «Поттер тирик қолади» тахминини билдирувчилар деярли топилмаган. Энди агар ёзувчи бош қаҳрамонини «қурбон» қилса, букмекерлар бир неча минг фунт стерлинг зарар кўради.

САМАРҚАНД ШАҲРИГА САЁХАТ

Яқинда юз нафар сирдарёлик алоқачилар Самарқанд шаҳрини томоша қилишга, буюк боболаримиз Имом ал-Бухорий мақбараси, Соҳибқирон Амир Темур бунёд эттирган тарихий обидаларни зиёрат этиш бахтига муяссар бўлдилар...

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон иқтисодийотидаги энг янги ютуқлар» почта маркалари туркуми. 2001 йил. 24 август.

344-346. Купонли почта маркалари. Т.ЗАРГАРОВ дизайни. В.КОВРЕИН фотоси.

Маркалар Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланишига бағишланган. Маркалар ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусхадан.



344. «Пахта комбайни CASE-2022» почта маркаси.

345. «SHR-100 трактори» почта маркаси.

Маркалар горизонтал ҳолатда жойлашган 2 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Маркалар ўлчами 30x42 мм. Варақда 8 марка ва 1 купон бор.



346. «Хирмон» почта маркаси.

Марка ўлчами 42x30 мм. Варақда 2 марка ва 2 купон бор.

347, 348. Купонли почта маркалари. Т.ЗАРГАРОВ дизайни.

Маркалар Ўзбекистон тўқимачилик саноатига бағишланган. Маркалар ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусхадан. Варақда 2та марка, 2та купон бор.



347. «Пилла» почта маркаси.



348. «Текстил маҳмуаси» почта маркаси.

Maqbul... and more!

«Самарқанд Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касбаб уюшмаси кўмитаси жамоалари Нарпай туман телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси Собир БЕРДИЕВНИ 60 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга мустақкам соғлиқ, узок умр, хонадонига тинчлик-хотиржамлик тилайди.



Келгуси
сонларда: